ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДА ЗИЁРАТ ФЕНОМЕНИ

Гульсунхон Тиллябаева

Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси

таянч докторанти

Аннотация. Мазкур мақолада зиёрат феномени халқаро муносабатлар тизимида маданий дипломатия, “soft power” ва трансмиллий коммуникация воситаси сифатида таҳлил қилинади. Зиёратнинг назарий асослари хорижий олимлар тадқиқотлари асосида ёритилиб, Ўзбекистонда мазкур соҳа бўйича амалга оширилаётган институционал ва норматив-ҳуқуқий ислоҳотлар илмий жиҳатдан таҳлил этилади. Тадқиқот натижасида зиёрат феномени миллий имижни шакллантириш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда иқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим омил экани асослаб берилади.

Калит сўзлар: *зиёрат, халқаро муносабатлар, маданий дипломатия, диний туризм, зиёрат феномени, Ўзбекистон.*

Abstract. This article analyzes the phenomenon of pilgrimage as a means of cultural diplomacy, soft power, and transnational communication in the system of international relations. The theoretical foundations of pilgrimage are examined on the basis of studies by foreign scholars, while the institutional and legal reforms implemented in Uzbekistan in this field are scientifically analyzed. The study argues that the pilgrimage phenomenon is an important factor in shaping national image, developing international cooperation, and ensuring economic sustainability.

Keywords: *pilgrimage, international relations, cultural diplomacy, religious tourism, pilgrimage phenomenon, Uzbekistan.*

Зиёрат феномени (pilgrimage) – дунёда тарихдан муҳим саналган диний-маънавий амалиёт сарасига кириб, айни вақтда халқаро, иқтисодий, сиёсий ва дипломатик муносабатларда муҳим роль ўйнайди. Хорижий илмий адабиётларда

“pilgrimage diplomacy” термини туристик сафарлар сифатида халқаро сиёсий мулоқотлар ва дипломатик муносабатларни мустаҳкамлашда катта ўрин эгаллайди. Халқаро муносабатларда зиёратнинг бу ўрни сиёсий дипломатиядан ташқари, халқ дипломатияси сифатида маданий, ижтимоий ҳамда иқтисодий алоқаларни ҳам мустаҳкамлайди.

Илмий тадқиқотлар зиёратни фақат диний амалиёт эмас, балки маданият дипломатия ва халқаро алоқаларни ривожлантириш воситаси сифатида кўрсатади. Тарихий зиёратгоҳлар ва диний маршрутлар халқлар ўртасида маданий мулоқотни кучайтириб, уйғунлик ва тинчликни тарғиб қилади. Хусусан, зиёрат туризми иқтисодий ҳамда ижтимоий соҳа учун ҳам стратегик аҳамият касб этади. Бу омил давлатлар ўртасида туризм ҳамкорлигини кучайтиришга хизмат қилади ва мамлакатнинг халқаро обрўсини оширади.

Ўзбекистонда зиёрат ва диний туризм соҳаси илмий-назарий асосларда ҳам ривожланмоқда. Масалан, Имом Термизий илмий тадқиқот марказидаги халқаро алоқаларни ва зиёрат туризмини ўрганувчи махсус бўлим, Халқаро исломшунослик академиясидагт Ислом иқтисоди, молия ва зиёрат туризми бўйича кафедра фаолияти юқоридаги фикрларга яққол далил бўла олади.

Ўзбекистон Республикасида туризм, шу жумладан *зиёрат туризми*, давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, 2021 йилдан қатор давлатлар фуқаролари учун виза режимлари соддалаштирилгани, бу йиғилган зиёратчилар ва туристларнинг сонини оширишга хизмат қилганида исботини топмоқда.

Зиёрат туризмининг халқаро маданий аҳамиятини ёритувчи энг йирик мисоллардан бири, Ҳаж институтидир. Ҳар йили мусулмонлар Маккага ташриф буюриши орқали фақат диний амалиёт эмас, балки маданий ва дипломатик коммуникация майдони сифатида ҳам хизмат қилади. Ҳаж мавсумида турли давлат раҳбарлари ва расмий делегациялар иштирок этади, бу эса норасмий

дипломатик мулоқот учун имконият яратади. Саудия Арабистони ушбу институт орқали ислом оламида сиёсий таъсир доирасини кенгайтириб келмоқда. [1]

Бу ҳолат халқаро муносабатлар назариясида “religious soft power” модели сифатида баҳоланади.[2] Саудия Арабистони Ҳаж ва Умра ҳаракатларини тартибга солиш орқали бутун дунё мусулмонлари билан мулоқот каналларини кенгайтириб, иқтисодий ва дипломатик таъсир марказига айланмади. [7] Бу глобал динлараро дипломатия кўринишида акс этади.

Бундан ташқари, Ватикан шаҳри ҳам католик дини маркази сифатида глобал дипломатия субъектларидан бири ҳисобланади. Халқаро зиёрат маросимлари давлатлараро муносабатларни мустаҳкамлашга бевосита таъсир кўрсатади. Масалан, 2019 йилда Папа Франциснинг Бирлашган Араб Амирликларига ташрифи динлараро мулоқотни кучайтиришга қаратилган дипломатик қадам сифатида баҳоланган. [3] Бу ҳолат зиёрат ва дин институти халқаро муносабатларда ижоби муҳит яратиши мумкинлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар самараси сифатида, 2019 йил февраль ойида Бухоро шаҳрида биринчи Халқаро зиёрат туризми форуми, якунидаги “Бухоро декларацияси” қабул қилинишини [4] келтириш мумкин. Ушбу ҳужжат Марказий Осиёда зиёрат туризмини ривожлантириш, давлатлараро маршрутларни яратиш ва инфратузилмани модернизация қилишни назарда тутиб, Ўзбекистоннинг халқаро зиёрат туризми бозорида субъект сифатида фаоллашганини кўрсатди.

Шунингдек, Самарқанд вилоятидаги Имом Бухорий мажмуасини кенгайтириш ва реконструкция қилиш лойиҳаси давлат даражасида амалга оширилди. Бу лойиҳа зиёрат инфратузилмасини модернизация қилиш билан бирга халқаро сайёҳлар оқимини оширишга қаратилган. [5] Бу каби ташаббуслар миллий меросни халқаро брендинг воситасига айлантириш стратегиясининг бир қисми ҳисобланади.

Зиёрат феноменининг халқаро майдондаги функционал аҳамиятини қуйидаги омилларда кўришимиз мумкин:

Биринчидан, халқаро маданий мулоқот бўлиб, зиёрат сайтлари қаби ҳудудлар халқаро маданий дипломатия платформаси учун хизмат қилади, миллатлар ўртасида ўзаро тушунишни кучайтириб, муносабатларни барқарорлаштиради.

Иккинчидан, иқтисодий самарадолрлик, яъни туризм секторига салмоқли ҳисса қўшиб, маҳаллий иқтисодиётни ривожлантириш учун янги имкониятлар очади.

Учинчидан, сиёсий мулоқот сифатида давлатлараро дипломатияни амалга ошириш учун зиёрат маршрутларидан фойдаланади, бу “pilgrimage diplomacy” деб аталади.

Юқоридаги мисоллар қуйидаги хулосаларни чиқариш имконини беради.

Зиёрат феномени давлатнинг ташқи сиёсий стратегиясига интеграциялашиб, трансмиллий ижтимоий ҳаракатлар орқали дипломатик мулоқотни таъминлайди. Ўзбекистон мисолида зиёрат миллий брендинг ва минтақавий интеграция механизмига айлантиш билан бирга маданий-марказлар ва илмий тадқиқот институти орқали диний-маърифий ва зиёрат меросини ўрганиш, ҳамда халқаро олимлар билан илмий ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади.

Халқаро муносабатларда зиёрат феномени нафақат амалиёт, балки маданиятлараро мулоқот, иқтисодий ҳамкорлик ва миллий имиджни шакллантириш бўйича муҳим омил ҳисобланади. Ўзбекистоннинг бой мероси, амалдаги давлат сиёсати ва ислоҳотлари ушбу феноменни халқаро даражада самарали интеграциялаш учун қулай шарт-шароит яратади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Henderson J.C. Religious Tourism and Its Management: The Hajj in Saudi Arabia // International Journal of Tourism Research. – 2011. – Vol.13. – P.541–552.
2. Nye J. Soft Power: The Means to Success in World Politics. – New York: Public Affairs, 2004. – P.5–11.
3. Vatican News Report, 2019. Interreligious Dialogue and Papal Diplomacy.
4. Бухоро халқаро зиёрат форуми материаллари, 2019.
5. Ёрмаматов, С. З. (2025). Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасини зиёрат туризмини ривожлантиришдаги аҳамияти. Конференция тўплами. https://academicsbook.com/index.php/konferensiya/article/view/2286
6. UzA ахбороти. Memorandum on Development of Ziyorat Tourism, 2018.
7. https://www.stats.gov.sa/en/w/news/49